

СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Яхшибаев Шавкат Қурамбаевич

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви
академияси мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётининг фундаментал асоси сифатида тадқиқ қилинган. Муаллиф томонидан сиёсий маданият соҳасидаги асосий тушунчалар ва эволюция кўриб чиқилган. Мақола матнида жамият сиёсий маданиятининг ривожланиши зарурати умумий цивилизация ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида кўрсатилган. Шунингдек, ишда давлатни бошқаришининг демократик услуги ва сиёсий маданият ривожланиши жамиятнинг ва ижтимоий муносабатларнинг яшовчанлиги асосларидан бири сифатида кўриб чиқилган, сиёсий маданиятнинг турлари тавсифланган ва таҳлил қилинган. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар контекстида сиёсий маданиятининг функциялари таҳлили амалга оширилган, дунёдаги жамиятларда сиёсий маданият ривожсининг хусусиятлари, муаммолари ва истиқболлари тадқиқ қилинган. Таҳлил қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан муаммо борасида муайян холосалар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: сиёсий маданият, сиёсий ҳокимият, сиёсий тажриба, сиёсий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий мотивлар, сиёсий маданият тузилиши, сиёсий онг, сиёсий маданият турлари, жамият, ижтимоий муносабатлар.

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется политическая культура как фундаментальная основа политической жизни общества. Автором были рассмотрены основные понятия, а также эволюция сферы политической культуры. В тексте работы указано на необходимость развития политической культуры общества, как одного из факторов развития цивилизации в целом. В работе рассмотрен демократический стиль управления государством и развитие политической культуры как одна из основ существования общества и общественных отношений. В работе описана и проанализирована типология политических культур. Был произведен анализ функций политической культуры в контексте общественно-политических отношений. Исследованы особенности, проблемы и перспективы развития политической культуры в мире. На основании

анализируемого материала в рамках данной работы автором были сделаны выводы по описанной проблеме.

Ключевые слова: политическая культура, политическая власть, политический опыт, политические ценности, социально-политические мотивы, структура политической культуры, политическое сознание, типология политической культуры, общество, общественные отношения.

ABSTRACT

The article explores political culture as the fundamental basis of the political life of society. The author examined the basic concepts, as well as the evolution of the sphere of political culture. The text of the work points to the need to develop the political culture of society as one of the factors of the development of civilization in general. The paper considers the democratic style of government and the development of political culture as one of the foundations of the existence of society and social relations. The typology of political cultures is described and analyzed. An analysis was made of the functions of political culture in the context of socio-political relations. The peculiarities, problems and prospects of development of political culture in the world are investigated. Based on the material analyzed in the framework of this work, the author made conclusions on the described problem.

Key words: political culture, political power, political experience, political values, socio-political motives, the structure of political culture, political consciousness, typology of political culture, society, social relations.

КИРИШ

Маълумки, сиёсий ислоҳотларнинг самарадорлигини ва динамик хусусиятини таъминлашнинг энг муҳим омили – бу аҳолининг сиёсий маданиятидир. Зоро, айнан сиёсий маданият – бу инсоният маданиятининг сиёсат ва сиёсий фаолият билан, инсоннинг сиёсий хулқ-атвори ва онги билан бевосита боғланган, умумтан олинган маданият соҳаси сифатида, жамиятнинг сиёсий интеллект даражасини аниқловчи мезондир. Шунингдек, унга нисбатан таърифлар шунчалик кўпки, биргина Европа ва АҚШ сиёсий фанларида унга нисбатан 50 га яқини аниқланган. Бизнинг фикримизча, сиёсий маданиятга нисбатан берилган таърифларнинг умумий ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, унинг мазмун-моҳиятини инсоният умумий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, унда кўпроқ жамиятнинг тарихий тараққиёти натижасида катта ва кичик ижтимоий гурӯхлар, ижтимоий бирликлар туфайли қўлга киритилган сиёсий тажрибаси акс этади дейиш мумкин.

Шунингдек, мавзу билан бевосита боғлиқ яна бир ҳолатни алоҳида қайд этиш лозимки, баъзи манбаларда “сиёсий маданият” тушунчасини илк бор

қўллаган ва илмий соҳага олиб кирган немис файласуфи Иоганн Готфрид Гердер (Johann Gottfried von Herder) номи билан боғлайди¹. Бироқ, сиёсий маданият алоҳида фан соҳаси сифатида ўтган асрнинг ўрталарида сиёсий фанлар тизими ва категориал аппаратига “сиёсий маданият” тушунчасини америкалик сиёсатшunosлар X.Файннер ва Европа давлатлари бошқарув тизимини ўраниш жараёнида биринчилардан бўлиб сиёсий маданиятнинг илмий концепциясини таклиф қилган Г.Алмондлар киритганлар. Бугунги қунда эса “сиёсий маданият” тушунчалиси сиёсий фанларда турли маъно ва мазмунларда фойдаланилади ва бу унинг сиёсатда маданиятнинг акс этишини ҳамда маданиятнинг бир қисми эканлигини илмий исботлайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий ўкув ва илмий адабиётлар билан танишадиган бўлсак, “сиёсий маданият” тушунчаси:

- Сиёсий тасаввурлар тизими;
- Сиёсий хулқ-атворга таъсир кўрсатадиган сиёсий фадриятлар тизими;
- Сиёсий муносабатлар ривожланишининг даражасини кўрсатиб берувчи;
- Сиёсий фаолиятнинг маънавий дастури ёки йўналиши сифатида талқин қилинади.

Сиёсий маданиятга нисбатан ранг-баранг ва кўплаб таърифлар мавжудлиги ҳақида юқорида фикр билдириб ўтдик ва улардан келиб чиқсан ҳолда, айтиш мумкинки, сиёсий маданият — бу:

- Муайян бир жамият учун хос бўлган дунёни ривожлантириш мазмuni ва мақсадида уларнинг қадриятий тасаввурларини намоён қилувчи ҳамда социумда қарор топган давлат ва жамият муносабатларининг меъёрлари ва анъаналарини мустаҳкамловчи оммавий соҳадаги хулқ-атворнинг шакллари ва намуналарининг мажмуидир;
- Фуқароларнинг сиёсий хулқ-атворига ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирокига таъсир қўрсатувчи сиёсий билимлар ва кўникмаларнинг даражаси, характеристири ва мазмунидир;
- Онг, яхлит маданият, сиёсий хулқ-атворнинг элементлари ва феноменларининг мажмуи, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий жараёнларни вужудга келтириш ва амал қилишини таъминловчи давлат ва сиёсий институтлар шаклланишидир;

¹ J. G. Herder on Social and Political Culture (Cambridge Studies in the History and Theory of Politics). CAMBRIDGE. At the University Press. 1969.

•Давлат ҳаётининг умутанолинган меёrlари ва анъаналарини ўзлаштирганлик даражаси тўғрисида маълумот берадиган сиёсий дунёқараш, маънавият ва менталитетнинг, сиёсий хулқ-атворнинг нисбатан барқарор шакллари мажмуидир.

Кенг маънода сиёсий маданиятни сиёsat субъектлари ривожланиши даражасини, унинг сиёсий фаолияти ва ушбу фаолиятининг натижаларини, ушбу жараёнларга мос бўлган ижтимоий-сиёсий институтлар ва муносабатларни ўз ичига оладиган жамият сиёсий соҳасининг тарихий шартланган сифатий хусусиятлари сифатида қараш мумкин. Тор маънода эса сиёсий маданият деганда сиёsat дунёси ҳақидаги у ёки бу миллий ва ижтимоий-сиёсий умумий таассуротларнинг комплекси тушунилади. Қисқароқ қилиб айтганда, сиёсий маданият – бу аввало, сиёсий соҳадаги хулқ-атвор меъёрларини ва “ўйин қоидалари”ни белгилаб беради,

Одатда сиёсий маданият деганда сиёсий мақсадлари, индивиднинг сиёсий хулқ-атвори, сиёсий институтларнинг фаолияти шаклланишига жадал таъсир кўрсатадиган тарихий, миллий ва умумжаҳон ижтимоий тажриба ҳам тушунилаётганлиги сиёсий фанлар соҳасида ҳеч кимга сир эмас”². Шунингдек, сиёсий маданиятнинг энг асосий хусусияти – унинг сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият шаклида намоён бўлиши ва шахснинг, гурухларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрнини белгилашидир.

Сиёсий маданиятни ўрганишнинг муҳимлиги умуминсоний қадриятларни эътиборга олмасдан бирон-бир жиддий масалани кўриб чиқиб бўлмаслиги билан изохланади. Чунки, у анъана, миллий мерос, жўғрофий-сиёсий омил, тарихан вужудга келган ижтимоий ва этник тузилиш, диний эътиқод кабиларни қамраб олувчи ижтимоий-тарихий негизнинг таркибий қисми сифатида ҳам қараш мумкин бўлган категориядир. Сабаби у халқнинг сиёсий онги билан ҳамоҳанг ривожланади.

Сиёсий маданиятнинг бугунги кундаги долзарблиги шундаки, айнан унинг ёрдамида жамият аъзолари мавжуд бошқарув шаклларини қонуний тарзда қабул қилишлари ёки уни рад қилишлари билан боғлиқ чегара ўрнатилади, одамларнинг сиёsatни англашлари ва унинг воситасида миллий ва халқаро меъёрлар асосида бошқарилишига қаратилган хулқ-атвор шаклланади. Чунки, юкорида таъкидлаганимиздек, айнан у муайян жамият учун хос бўлган сиёсий билимлар, меъёрлар, қоидалар, урф-одатлар, сиёсий хулқ-атвор стереотиплари, сиёсий баҳ бериш, сиёсий тажриба ва сиёсий ҳаёт анъаналари, сиёсий тарбия ва

² Ш.Яхибаев. Сиёсий маданият ва унинг концептуал-назарий муаммолари.
file:///C:/Users/user/Downloads/ZDIF+0601.pdf

сиёсий ижтимоийлашув кабиларни қамраб олиши бугунги кун сиёсий ва бошқа гуманитар фанлар учун сир эмас. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, аксарият ҳолларда сиёсий маданият – бу тафаккурнинг маълум бир услубидир (*way of thinking*). Чунки, у жамият учун нима мақбул ёки қандай тизим, муносабатлар, сиёсий институтлар мақбул эмаслигини қўрсатиб берувчи барометр сифатида ҳам намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида, АҚШ томонидан 20 йилдан ортиқ вақт давомида Афғонистонда демократик мухитни, тизимни қарор топтиришга бўлган беҳуда уринишлари, Ироқда европача демократик институтлар фаолиятни йўлга қўйишга бўлган интилишлари охир оқибат муваффақиятсизликка юз тутганиларини қайд этмоқ жоиз. Сабаби, бу жараёнларда мусулмон-шарқ жамиятларининг сиёсий онги ва маданияти ҳисобга олинмаганлиги ва сиёсий инновацияларни жорий қилишда халқнинг менталитети чуқур ўрганилмаганлиги эди³. Мисол учун, агарки, жамият аъзоларининг мутлақ кўпчилиги патриархал сиёсий маданият ташувчилари бўлсалар, улар учун тоталитар ёки авторитар сиёсий режим бутунлай легитим ҳисобланиш эҳтимоли катта. Демократик сиёсий маданият тарафдорлари учун эса юқоридаги ҳолат сиёсий тирания ёки деспотизм сифатида қабул қилинади.

Маълумки, сиёсий маданият етарлича мўрт бўлиб, у жамият сиёсий тузилишининг анъанавий шаклларини қайта вужудга келтириш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам аксарият ҳолларда, патриархал жамиятларда амалга оширилган демократик ислоҳотлар кутилган натижани бермайди. Шу билан бирга, сиёсий маданият ўз-ўзини ривожлантириш ва четдан сиёсий инновацияларни босқичма-босқич тарзда қабул қилиш қобилиятига ҳам эга. Умуман олганда, сиёсий маданият жамият маънавиятининг, маданий дунёқарашининг мухим бир қисми, фуқароларда тарихан шаклланган сиёсий қарашлар, анъаналар, аҳлоқий меъёрлар, сиёсий институтларга ва фуқаролик жамиятига ишонч тизими сифатида ҳам кўрилиши мумкин.

Шунингдек, сиёсий маданиятнинг жамиятда бажарадиган маълум бир функциялари ҳам мавжудки, бу унинг жараён сифатидаги ролини белгилаб беради. Сиёсий фанларда сиёсий маданиятнинг қуидаги функцияларини алоҳида ажратиб қўрсатиш мумкин:

•Индивид томонидан ўзи қайси гурухга, қатламга хослигини тушуниб этиш ва сиёсий фаолиятнинг мақбул услубларини аниқлаб олишдан иборат бўлган **сиёсий идентификация** функцияси;

³ АНАЛИТИКА - Причины фиаско американской разведки в Афганистане. www.aa.com.tr/ru/анализ-новостей/аналитика-причины-фиаско-американской-разведки-в-афганистане/2360580. Причина фиаско Запада в Афганистане. <https://exclusive.kz/expertiza/politika/125553/>

- Муайян сиёсий тизим доирасида бир қанча ижтимоий гурухларнинг биргаликда мавжуд бўла олишини таъминлайдиган ҳамда уларнинг ўзаро жипслашувига сабаб бўладиган **сиёсий интеграция** функцияси;
- Индивид ва ижтимоий гурухларга жамият сиёсий тизимининг доимий ўзгарувчанлик шароитига мослашувга имкон берадиган **сиёсий мослашув** функцияси;
- Сиёсий анъаналарни авлоддан-авлодга ўтказиш имконини берадиган **сиёсий трансляция** (меърос қолдириш);
- Сиёсий субъектларга умумий таниш бўлган мулоқот тизими асосида ўзаро алоқага киришиш ва ўзаро тушунишни таъминлайдиган **сиёсий коммуникация** функцияси;
- Сиёсий воқеликларни, ҳодисаларни ва жараёнларни англашга ёрдам берадиган **сиёсий талқин қилиш** функцияси;
- Лозим бўлган сиёсий хулқ-атворни белгилаб берадиган **сиёсий меъёрлаштириш** функцияси ва хоказо.

Сиёсий маданият таъсири остида жамият учун анъанавий сиёсий ҳаётни ташкил қилишнинг шакллари, улар ҳатточи давлат томонидан сиёсий режимга хос ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширилиши шароитида ҳам, қайта ишлаб чиқилиши мумкин. Бундан ташқари, сиёсий маданият жамият учун жамият учун сиёсий ҳаётни ташкил қилишнинг янги шаклларини ҳам вужудга келтириши ҳамда унинг анъанавий ва инновацион элементларини аниқлаб бериши мумкин.

Сиёсий маданият албатта кўплаб ўзаро муносабатда бўлган ва боғланган таркибий қисмлардан иборат бўлади. Чунки, бир неча бор таъкидлаганимиздек, сиёсий маданиятнинг ўзи ҳта мураккаб жараёндир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий маданиятнинг тузилишини ўзида акс эттирадиган бир қанча компонентларни келтириб ўтсак:

- Қадриятий-меъёрий — сиёсий ҳиссиёт, қадриятлар, идеаллар, эътиқод, меъёрлар ва қоидалар;
- Англаш — сиёсий билимлар, сиёсий фикрлаш, кўникма ва малака усуслари;
- Баҳолаш — сиёсий режимга, сиёсий воқеликларга, етакчига нисбатан муносабат;
- Аниқловчи — хулқ-атворнинг шахсий барқарор ҳолатлари, у ёки бу шароитда қандайдир ҳаракат қилишни маъқул кўриш ёки кўрмаслик;
- Хулқий — муайян бир вазиятда у ёки бу турдаги ҳаракатга тайёр бўлишлик, зарурат бўлганда ушбу ҳаракатларда иштирок этиш ва хоказо.

Сиёсий маданият нафақат воқелик ёки категория, балки муайян бир фаолият эканлигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, унинг турли даражалари ҳам бўлади. Масалан:

•Дунёқараш даражаси — сиёсат ва унинг турли жихатлари тўғрисидаги тасаввурлар;

•Фуқаролик даражаси — ўз фуқаролик мақомини мавжуд сиёсий имкониятлар мос тарзда белгилаб олиш;

•Сиёсий даража— сиёсий режимга, ўз иттифоқчилари ва рақибларига нисбатан ўз муносабатини белгилаш кабилардир.

Аксарият ҳолларда сиёсатга ва сиёсий режимга нисбатан муносабат у ёки бу воқеликлар сабабли ўзгариши мумкин. Чунки, инсон турли сиёсий воқеликларга турлича муносабатда бўлади ва бу уларнинг фикрига жуда тез таъсир кўрсатади⁴. Мисол учун, бирор шаҳарда рейтинги жуда баланд ҳокимнинг обрўси, ушбу шаҳарда бир муддат коммунал муаммоларнинг пайдо бўлиши билан тезда тушиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, турли миллат, дин, синф, этник гурухларнинг ҳам сиёсатга, тузумга ва лидерларга нисбатан муносабати турлича бўлади⁵. Бу умуман олганда инсон фитратига хос бўлган ҳолат ҳисобланади. шунингдек, бир мамлакат доирасида ҳам сиёсий маданият турлича бўлиб, масалан, Хоразм вилояти аҳолисининг сиёсий маданияти Андижон вилояти аҳолисиникидан бир мунча фарқланади. Ёки Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий маданияти Қирғизистон аҳолисининг сиёсий маданиятидан кескин фарқланади. Бунинг ўзига хос минтақавий ва субмаданий сабаблари мавжуд бўлади.

Юқоридагилар билан бир ҳолатда сиёсий маданият ўз ичига сиёсий тажрибани, стереотипларни, сиёсий афсоналарни, инсон ва гурухларнинг сиёсий хулқ атвор-моделларини, шунингдек, сиёсий институтлар фаолиятининг самарадорлиги, мафкура, сиёсий рамзлар, сиёсий ижтимоийлашув ва бошқаларни ҳам олади. Булар ичida сиёсий стереотип алоҳида мавзу сифатида ажralиб туради ва ўз моҳиятига кўра, у сиёсий объектлар тўғрисидаги соддалаштирилган, тебранувчан ва мақсадли йўналтирилган тасаввурларни ташкил этади. Унинг ажralиб турадиган хусусияти сифатида: воқеаларни персонификациялаш (Personification), яъни у ёки бу ҳодисаларни албатта бирор шахс ёки гурух билан боғлаш; воқеаларни англаш ва талқин қилишда ҳис-хаяжонга берилиш (одатда, бирор ҳолатга нисбатан ўта негатив ёки ўта позитив

⁴ Carole Pateman. Political Culture, Political Structure and Political Change. British Journal of Political Science Vol. 1, No. 3 (Jul., 1971), pp. 291-305 (15 pages). Published By: Cambridge University Press

⁵ Stephen Chilton. Defining Political Culture. The Western Political Quarterly. Vol. 41, No. 3 (Sep., 1988), pp. 419-445 (27 pages). Published By: University of Utah

ёндашув); ақлга номувофиқлик (одатда стереотипга зид келувчи фактлар эътиборга олинмайди ёки билиб билмасликка олинади); барқарорлик (стереотип узоқ умрлик бўлиб, ўзгаришларга дучор бўлмайди ёки ўта радикал ўзгарувчан вазиятда ҳам ўз-ўзини сақлаб қолишга лаёқатли бўлади)⁶ кабиларни алоҳида эътироф этмоқ жоиз.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сиёсий фанлар тизимида тобора муҳим роль ўйнайдиган сиёсий маданият ўз концептуал моҳиятига кўра сиёсат, сиёсий фаолият, одамларнинг хулқ-автори ва онги билан боғлик бўлган, инсоният маданиятининг умумтанолинган соҳасидир. Сиёсий маданият тушунчаси орқали индивид, кичик ва катта гурухларнинг сиёсий қарашлари, халқ-автори шаклланишига таъсир кўрсатадиган миллий ва умуинсоний тарихий ва ижтимоий тажриба тушунтирилади.

Инсонларнинг сиёсий маданиятга нисбатан қизиқишининг асосий сабаблари сифатида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бориши ва сиёсатда ўз манфаатларини излаши орқали тушунтирилади. Сиёсат, гарчи жамият аъзоларининг қарашлари, манфаатлари, сиёсатдаги иштироки турлича бўлишига қарамасдан, уларни доим ўзига тортаверади. Бу эса фуқароларда сиёсатда иштирок этиш имконияти ёки вужудга келтиради, ёки уларнинг сиёсатдан кўнгли қолишига олиб келади. Буларнинг барчаси, одамларда сиёсий маданиятга бўлган эҳтиёжни юксалтиради.

Бугунги замон сиёсатшунослигида сиёсий маданият тўғрисидаги билимлар тизимлашган ва илмий адабиётларда улар ҳақида турли таърифлар ва қарашлар чуқур шаклланган. Бугунги кунга қадар сиёсий маданият концептуал ва илмий жиҳатдан ривожланишда давом этмоқда. Илмий адабиётларда сиёсий маданиятга икки жиҳат шаклланмоқда: биринчиси, бу тор талқинлар бўлиб, унда индивиднинг сиёсий қарашлари, табиати ва хулқ-автори назарда тутилади; иккинчисида эса сиёсат билан боғланган жамият маданиятининг элементи сифатида қабул қилинади. Сиёсий маданият борасида мақола давомида шаклланган хулосалар шундан иборатки:

- 1) сиёсий маданият сиёсат ва у қизиқадиган фактлар ҳақидаги билимлар мажмуудир;
- 2) сиёсий жараёнларга баҳо бериш: ҳокимият қандай амалга оширилиши тўғрисидаги мулоҳазалар;

⁶ Jürgen R. Winkler. Political culture. <https://www.britannica.com/topic/political-culture>

3) сиёсий позицияларнинг эмоционал томонлари, масалан, ватанга муҳаббат, душманга нафрат, сиёсатдан кўнгил қолиш ва бошқалар;

4) қандай шароитда қандай йўл тутиш кераклигини белгилаб берадиган сиёсий хулқ-автор ва уларнинг жамият ҳаётида акс этиши.